



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI**

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил “ 3 ” сентябр

№ 170

Yangibozor tumani

**Янгибозор туманидаги “Дилшод Эгамберган ўғли”
фермер хўжалигига сабзавотчилик ва полизчилик
йўналишида узук муддатли ижарага ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, Қаландардўрман қишлоғидаги “Дилшод Эгамберган ўғли” фермер хўжалиги раҳбари Д.Давлетовнинг сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида узук муддатли ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси асосида ўтказилган очиқ танлов яқунларига кўра, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг ҳулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари бўйича қабул қилинган комиссия қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор туманининг Қаландардўрман қишлоғидаги “Дилшод Эгамберган ўғли” фермер хўжалигига Қаландардўрман қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги 96к-,98к-,100-контурларда жойлашган умумий ер майдони 14,0 гектар, шундан, суғориладиган экин ери 13,2 гектар, ариқ ва зовурлар 0,7 гектар, йўллар 0,1 гектардан иборат ер участкаси сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Янгибозор туманининг Қаландардўрман қишлоғидаги “Дилшод Эгамберган ўғли” фермер хўжалиги раҳбари Д.Давлетовга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Д.Давлетов ўртасида тузиладиган ер участкасини узук муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаро Д.Давлетовга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- бизнес режада белгиланган экин турларни тўлиқ экиб, ҳосилдорликни ошириб бориш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш;

- ҳудудий статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш вазифаси топширилсин.


5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги, давлат статистика, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими.в.в.о



Ж.Холметов